2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

43 (645)

2008 йил 22 октябрь

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ▶ Сайловда сийлов бўлмайди

▶ "Нур ва соя нафосати" Фотолар уйида

3 ▶ "Жасорат"ли ўт ўчирувчи

▶ Ўринли ўгит тарбиянинг асоси

4 ▶ "Фахрийлар боғи" бунёдкорлари

▶ "Ўтган-кетганга қош қоққан" қушиқчи ким?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ ЭКИНЛАРИ ЭКИЛАДИГАН МАЙДОНЛАРНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда такрорланаётган сув танқислиги, озиқ-овқат маҳсулотларига жаҳон бозорида нарх-навонинг муттасил ошиб бораётгани муносабати билан, шунингдек, республикада озиқ-овқат экинлари маҳсулотларини етиштириш ҳажмларини янада ошириш ҳамда уларнинг турларини кўпайтириш ва шу асосда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини янада тўликроқ қондириш, пировард натижада қишлоқ аҳолиси даромадлари ва турмуш даражасини юксалтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг 2009 йил ҳосилидан бошлаб контрактация шартномалари бўйича пахта хомашёси етиштириш ҳажмлари ва тегишли равишда пахта экиладиган майдонларни 1-иловага мувофиқ камайтириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Пахта экиладиган майдонларни қисқартириш ҳисобига:

2009 йил ҳосили учун бошоқли дон экинлари экиладиган майдонлар 2-иловага мувофиқ кўпайтирилсин;

зарур шарт-шароитлар мавжуд бўлган туманлар ва хўжаликларда сабзавот ҳамда бошқа озиқ-овқат экинлари экилиши таъминлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда туманлар ҳокимликлари қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш бўйича ишларни амалга оширишда:

муайян қишлоқ хўжалик экинларини экиш учун зарур шарт-шароитлар етарли эканлигига, фермер хўжаликларида алоҳида экин турларига ишлов бериш бўйича кўникма ва тажриба мавжудлигига;

суғориш ва мелиорация тизимлари ҳолатига, ҳудудларнинг сув билан таъминланиш даражасига;

лалми ерларда мойли, озуқабоп ва полиз экинлари майдонларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ҳокимликлари 2008 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида қўшимча кузги бошоқли дон экинлари экилишини ташкил этиш бўйича 2-иловага мувофиқ комплекс чора-тадбирлар ўтказилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари зиммасига 2009 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинларини экиш ҳамда шудгорлаш ишлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

5. «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси:

фермер хўжаликларини жорий йилнинг октябрь-ноябрь ойларида қўшимча кузги бошоқли дон экинлари экилишини ўз вақтида амалга ошириш учун зарур бўлган ҳажмларда ва муддатда юқори сифатли ишлов берилган ва дориланган буғдой уруғлари билан белгиланган тартибда таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда 2009 йилда суғориладиган ерлар учун бошоқли дон экинларининг юқори сифатли уруғларини тайёрлаш ҳажмларини ошириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Давлат захиралари учун назарда тутилган ҳажмлардан ортиқча тайёрланган бошоқли дон экинларининг уруғларидан қўшимча экиш учун фойдаланишга рухсат берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 4 сентябрда қабул қилинган «2009 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинларини экиш, навларни жойлаштириш ва харид қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-956-қарорига мазкур фармондан келиб чиққан ҳолда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 20 октябрь

Қашқадарё вилояти



Шаҳрисабз шаҳридаги Сариосиё маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Сирожиддин Тожиддинов ўз фаолиятини намунали йўлга қўйган тажрибали оқсоқоллардан бири ҳисобланади. С.Тожиддинов айниқса, ёшлар тарбияси, маҳалла—мактаб—оила ҳамкорлиги тамойилларига алоҳида эътибор қаратиб келади.

— Фарзандларимизни тарбиялашда уларнинг қалбида аждодларимиздан мерос миллий қадриятларимизга ҳурмат ва эъзоз туйғусини уйғотиш бурчимиздир, — дейди оқсоқол. — Юртимизнинг йирик тарихий иншоотларидан бири Оқсарой меъморий ёдгорлиги маҳалламиз ҳудудида жойлашган. Келажагимиз ворислари бўлмиш ёшлар юртимиз тарихини қанча мукаммал ўргансалар, шунча яхши. Шу боис маҳалла ёшларини юртимиздаги тарихий иншоотлар билан яқиндан таништиришга алоҳида эътибор қаратамиз. Бу фуқаролар йиғини фаолиятидаги анъанавий ишимизга айланган.

СУРАТДА: *С.Тожиддинов маҳалла ёшлари билан Оқсарой меъморий ёдгорлигида.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Фуқаролар йиғинларига саволлар олдидан

МУҲИМ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ ТАДБИР

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Тошкент вилоятида ҳам фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2008 йил 30 сентябрда қабул қилинган "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қарори ижросига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган семинарда мазкур муҳим тадбирни юқори савияда ўтказиш борасида атрофлича фикр алмашилди. Унда сайловни ўтказувчи комиссия аъзолари, "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Семинарда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари вазифаларига сайланадиган кишилар ҳар томонлама билимли, ҳаёт тажрибасига эга, маҳалла аҳлига яқин кўмакчи, улар ўртасида обрў-эътибор қозонган бўлиши кераклиги таъкидланди. Чунки улар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмунмоҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш, юртимизда қарор топган дўстлик ва ҳамжиҳатлик, тинчлик ва осойишталик муҳитини мустаҳкамлаш, ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги ишларга бош-қош бўлишлари зарур.

– Демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти қуришда ўзини-ўзи бошқариш органлари алоҳида ўрин тутади, – дейди фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси раиси А.Аҳмаджонова. – Шу боис маҳалла оқсоқоли ва маслаҳатчиси учун бўлиб ўтадиган сайлов зиммамизга катта масъулият юклайди. Айни пайтда барча туман ва шаҳар кенгашларида фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлари томонидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Семинар қатнашчиларига мазкур муҳим тадбирни ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан зарур маслаҳат ва тавсиялар берилди.

Л.СУВОНОВ,
ЎзА мухбири.

ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг шу йил 30 сентябрда қабул қилинган қарорига асосан Сурхондарё вилоятида ҳам фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Шеробод туманида ушбу муҳим тадбирни ўтказиш билан боғлиқ масалаларга бағишланган семинар-йиғилиш бўлди. Унда шаҳар ва туманларда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ҳамда ишчи гуруҳ аъзолари, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Сурхондарё вилояти комиссияси раиси Абдукарим Аҳмедов, Олий Мажлис Сенати аъзоси Панжи Мустапов, «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими раиси Эркин Кўчкинов ва бошқалар жамиятни демократлаштиришда маҳаллаларнинг ўрни ва нуфузи ошиб бораётганини таъкидладилар. Маҳалла институти фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини сифатида иқтисодий-ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда, аҳолига муносиб турмуш шароити яратиб беришда алоҳида ўрин тутмоқда. Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчиларига эл ҳурматини қозонган, ташаббускор, раҳбарлик қобилиятига эга номзодлар сайланиши шаҳар ва қишлоқларда турмуш фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

Семинар-йиғилишда мазкур сайловни мамлакатимиз Конституцияси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов тўғрисидаги қонун талаблари асосида, очиқ, ошкоралик ва демократик тамойилларга мувофиқ тарзда ўтказиш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2008 ЙИЛ 20 ОКТЯБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН "ОЗИҚ-ОВҚАТ ЭКИНЛАРИ ЭКИЛАДИГАН МАЙДОНЛАРНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ПФ-4041-ФАРМОНИГА

ШАРҲ

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг улкан ресурс ва экспорт базасига эга етакчи тармоғи бўлган, республикада қайта ишлаш саноати учун муҳим манба ҳисобланадиган пахтачиликни ривожлантириш ва ислоҳ қилишга доимий эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда такрорланаётган сув танқислиги пахта етиштириш учун ғоят мураккаб муаммоларни юзага келтирмоқда ва унинг ҳосилдорлигига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Фермерларимиз кейинги икки йилда, айниқса, жорий йилда ушбу муаммонинг нечоғли ўткирлигини ўз фаолиятида кескин ҳис қилдилар. Бу йил суғориладиган ерларнинг сув билан ўртача таъминланиш даражаси белгиланган норманинг атиги 75 фоизини ташкил этди. Таъкидлаш жоизки, сув танқислиги пахта етиштиришга салбий таъсир кўрсатди ва республиканинг деярли барча вилоят ва туманларида қўшимча қийинчиликларни келтириб чиқарди.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида суғориш ишларида сувдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш, жумладан, сувдан қайта фойдаланишни, уни тежашнинг замонавий агротехник усулларини татбиқ этиш, шунингдек, сувдан фойдаланишни назорат қилиш тизимига нисбатан талабни кучайтиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Юзага келган вазиятда экин майдонларидан фойдаланишни янада оптималлаштириш долзарб аҳамият касб этади. Бу борада, биринчи навбатда, нафақат сув ресурсларининг тақчиллиги ортиб бораётгани, айни вақтда қишлоқ хўжалиги олдида турган озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва республика аҳолисини ушбу маҳсулотлар билан ишончли таъминлаш каби муҳим вазифаларни ҳал этиш назарда тутилмоқда. Бугунги кунда бутун дунёда озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси алоҳида муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Дунё миқёсида доннинг нархи 2006 йилдагига нисбатан ўртача икки баравар, сабзавот маҳсулотлари нархи эса икки баравардан кўпроқ ошгани бунинг яққол исботидир.

Бундай шароитда ички истеъмол бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат товарлари билан барқарор ва ишончли тарзда тўлдириш, уларни ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, турини кенгайтириш ва сифатини ошириш янада долзарб аҳамият касб этади.

Юзага келган вазият ҳисобга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 октябрда қабул қилинган "Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида пахта экиладиган далаларни камайтириш ҳисобидан бошоқли дон экинлари учун мўлжалланган майдонларни қарийб 50 минг гектарга кўпайтириш, шунингдек, сабзавот, мойли ўсимликлар ва бошқа озиқ-овқат экинлари экиладиган ерларни янада кенгайтириш кўзда тутилган.

Республикамиз сабзавот, узум ва қовуннинг юқори сифати, таъми билан ажралиб турадиган навларини етиштириш бўйича ноёб имкониятларга эга эканлигини эътиборга олган ҳолда, ушбу экинларни етиштириш ва уларни қайта ишлаш орқали олинадиган маҳсулотлар экспортини сезиларли даражада кўпайтиришни таъминлаш учун бугун барча асосларимиз бор. Бунинг учун мамлакатимизда барча зарур шароит ва имкониятлар мавжуд.

Айни вақтда пахта экиладиган майдонларни оптималлаштириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмаслиги лозимлигини аниқ-равшан англаб олиш зарур. Жаҳон бозорида пахтага, аввалам-бор, турли тўқимачилик, ип-газлама маҳсулотлари, кийим-кечак ва бошқа тикувчилик буюмларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган пахта хомашёсига талаб доим юқори бўлиб келган ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолишини назарда тутиш даркор.

Пахта ўсимлик мойи, чорвачилик учун озуқа ва бошқа кўплаб маҳсулотлар олишнинг муҳим манбаи эканини унутмаслик керак. Шундан келиб чиққан ҳолда ва минтақамизга хос бўлган табиий-иқлим шароитининг хусусиятларини, фермерларимизнинг пахта етиштириш борасидаги катта тажрибасини эътиборга олиб, ушбу соҳа бундан буён ҳам Ўзбекистон агросаноат мажмуини ривожлантиришнинг муҳим йўналиши бўлиб қолиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида жорий йил октябрь ва ноябрь ойининг биринчи ярмида дон ва бошқа озиқ-овқат экинлари учун мўлжалланган майдонлар кенгайтирилаётганини ҳисобга олиб, кузги экинларни ўз вақтида ва сифатли экиш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу фармонини амалга ошириш республикамиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш, экспорт қилинадиган маҳсулот турларини кенгайтириш, қишлоқ аҳолисининг даромади ва фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Қашқадарё вилояти

Замонавий қулайлик

САККИЗ ДАҚИҚАДА БИТТА «ISUZU»

янги автобуслар қатнови йўловчиларга қулайлик туғдирмоқда

Шаҳрисабздаги «Кеш—тур—транс» масъулияти чекланган жамияти икки ой аввал «Ўзавтосаноатлизинг» компаниясидан лизинг асосида Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган 6 та автобус олганди. Янги транспорт воситаларининг 4 таси «Шаҳрисабз автошоҳбекати — Китоб темир йўл бекати» йўналиши бўйича қатновни амалга ошириш, иккитаси йирик саноат корхоналари буюртмаларини бажариш учун жалб этилди.

Яқинда жамият компания ёрдамида яна 6 та «ISUZU NR 21» русумли автобус олиб, мунтазам йўлга қўйилган транспорт қатновининг умумий узунлигини қарийб икки бараварга оширишга эришди.

— Автобуслар сонининг кўпайтирилиши аҳолининг узоғини яқин қилиб, вақтини тежамоқда, — дейди Шаҳрисабз шаҳридаги Саъдий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси А.Фозилов. — Илгари «Шаҳрисабз автошоҳбекати — Китоб туман тиббиёт бирлашмаси» йўналиши бўйича қатнайдиган автобусларни соатлаб кутишга тўғри келар эди. Эндиликда бу йўналишда ҳар 7-8 дақиқа оралиғида автобус қатнови йўлга қўйилган.

«Кеш—тур—транс» масъулияти чекланган жамияти лизинг асосида айни пайтда яна 3 та автобус олиб, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифатини оширишни режалаштирмоқда.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Азиз муштарий! Севимли нашрингиз «MAHALLA» газетасига обуна бўлишга шошилинг!

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Сирдарё вилояти

Фуқаролар йиғинларига сайлов:

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ БОСҚИЧ

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби вилоятимизда ҳам «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида сайлов олдидан тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Ушбу жараён борган сари фаол тус олаётгани сайлов очиқ ва ошкоралик тамойиллари асосида ўтказилишидан далолат беради.

Бундан икки ярим йил олдин — 2006 йилнинг май-июнь ойларида фуқаролар йиғинларига бўлиб ўтган сайловлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Фуқаролар-нинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, шунингдек, бошқа бир қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этилган эди. Натижада бу ижтимоий-сиёсий тадбир мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш борасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилди, ўзини ўзи бошқариш органларининг жойларда аҳоли ҳаёти билан боғлиқ турли хил масалаларни бартараф этишдаги ролини кучайтиришда муҳим босқич бўлди. Айни шу тадбирнинг натижаси ўлароқ, ўтган икки ярим йил мобайнида вилоятимиздаги 349 тадан ортиқ фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари маҳаллалар ҳаётига дахлдор бўлган масалаларни ижобий ҳал этиш бўйича кўплаб ишларни амалга оширди.

Бугунги кунда фуқаролар-нинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш борасида эришилган ижобий натижаларни кўпчилик эътироф этмоқда. Негаки, фуқаролар йиғинлари фаолияти халқимизнинг азалий қадриятлари, урф-одатлари, одамларимизнинг дунёқараши билан чамбарчас боғланиб кетган. Бу қадрият ва анъаналаримизнинг замирида Ватанга муҳаббат, ота-онага ҳурмат, касб-корга меҳр, халқ фаровонлиги ва юрт тинчлиги учун интилишга иштиёқ туйғулари ётади. Зотан, маҳалланинг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги муваффақияти ҳам ана шунда.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, фуқаролар йиғинларига ўтказиладиган навбатдаги сайловлар демократик жамият қуришнинг яна бир муҳим босқичи бўлиб қолишига шубҳа йўқ. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари билан ҳамкорликда тузилган фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар таркибига «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармаларининг вилоятдаги бўлим ва бўлинмалари, вилоят ва туман хотин-қизлар қўмиталари, «Камолот» ЁИҲнинг жойлардаги бўлимлари ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам кенг жалб этилган. Шунингдек, мазкур комиссиялар аъзолари фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларининг ахборотларини тинглаб боради ва тегишли ёрдам кўрсатади.

Олдимизда улкан ва ўта масъулиятли вазифалар турибди. "Маҳалла" жамғармасининг вилоят бўлими, 8 та туман ва 3 та шаҳар бўлинмалари ходимлари ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда вилоятдаги мавжуд 349 та ўзини ўзи бошқариш органларида сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини самарали олиб бориш, ҳудудлардаги ижтимоий-маиший муаммоларнинг қай даражада ҳал этилганини ўрганиш, натижаларни таҳлил қилиш, қишлоқ ва маҳаллалардаги номзодлар орасидан раис (оқсоқол)ликка муносибларини танлаш, уларнинг маҳалладаги обрў-эътиборини, аҳолини ўз ортидан эргаштириш қобилиятини ўрганиш каби вазифаларни бажаради. Бу ижтимоий-сиёсий тадбирни жойларда намунали ташкил этиш ва уюшқоқлик билан ўтказиш бугунги кунда нуфузи ортиб бораётган маҳалла институтининг мақомини янада юксалтириши табиий.

Шавкиддин МИРЗАЕВ,
«Маҳалла» жамғармасининг Сирдарё вилояти бўлими раиси.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан

ФОТОБИЕННАЛЕГА МАРҲАМАТ!

Тошкентда тўртинчи халқаро «TashkentALE-2008» фотобиеннале-си бошланди. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган ушбу тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ва Тошкент Фотосуратлар уйи ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мазкур халқаро фотокўргазмада мамлакатимиз фотоижодкорлари билан бир қаторда Германия, Италия, Буюк Британия, Россия, Япония, Канада, Хитой, Покистон, Исроил, Вьетнам каби йигирмадан ортиқ давлатдан вакиллар ўз асарлари билан иштирок этмоқда.

Тадбир иштирокчилари дастлаб Мустақиллик майдонида бўлиб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар.

Халқаро кўргазманинг очилишида ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Маҳбуб Шариф, Тошкент Фотосуратлар уйи директори Шаҳноза Каримбобоева, Хитой Халқ Республикаси Миллий фотография уюшмаси вакили Жоу Жинг, япониялик фотоижодкор Нисимора Ясуши ва бошқалар мамлакатлар, халқлар ўртасидаги ўзаро дўстлик, ҳамкорлик, ҳажиҳатлик алоқаларини мустаҳкамлашда санъатнинг, жумладан фотографиянинг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканини таъкидладилар.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар маънавий-маърифий соҳалардаги ижобий ўзгаришлар билан узвий боғлиқ экани қайд этилди. Юртдошларимизни, айниқса, ёшларни она Ватанга муҳаббат, миллий анъаналарга садоқат руҳида тарбиялашда, эзгу ишларга даъват этишда маданият ва санъатнинг аҳамияти беқиёсдир. Шу боис юртимизда миллий санъатимизнинг барча йўналишларини изчил ривожлантириш, бу соҳада эришилаётган ютуқларни кенг тарғиб ва ташвиқ этиш, ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Муҳташам кўргазма заллари, галереялар, Ёшлар ижод саройи, маданият ва санъат кошоналарининг барпо этилиши, ёшларни санъатнинг сеҳрли олами билан яқиндан таништириш учун барча шароит ва имкониятларнинг яратилиши бунинг ёрқин далилидир.

Тошкент Фотосуратлар уйи фотосанъатимиз анъаналарини асраб-авайлаш, янада ривожлантириш, тарғиб этиш, фотоижодкорларни қўллаб-қувватлаш каби эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Сўнгги йилларда мазкур муассаса «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Бадиий академияси билан ҳамкорликда «Она шаҳрим – гўзал Тошкентим», «Мўътабар отахон ва онахонларимиз», «Нур ва соя нафосати», «Ўзбекистон фотосуратчилари» каби мавзуларда ижодий лойиҳаларни амалга оширди.

Юртимизда фотосанъат ривожига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик натижаси ўлароқ, Рустам Шарипов, Искандар Содиқов, Павел Ким, Виталий Мясников, Турсун Али, Владимир Жирнов каби фотоижодкорларимиз халқаро кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Тошкент Фотосуратлар уйининг Халқаро бадиий фото федерацияси — FIAPга аъзо бўлиши эса ўзбек тасвирий санъатининг юксак салоҳиятининг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофидир. Зеро, барча жабҳаларда эришаётган улкан ютуқлар, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини жаҳон миқёсида намойиш этиш, тарғиб ва ташвиқ қилишда фотосанъатининг ўрни беқиёсдир.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорда Тошкент шаҳрининг юбилей санасини муносиб нишонлаш, дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада юксалтириш, азим пойтахтимизнинг миллий давлатчилик тарихимиздаги, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини тарғиб этиш орқали ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини шакллантириш муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган. «TashkentALE – 2008» фотосанъати ихлосмандларини юртимиз ва жаҳон фотографияси ва видео санъатининг энг сўнгги янгиликларидан бохабар этиш, соҳада халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилди.

Ушбу тадбирга юртимиз ҳамда Осиё, Африка, Европа, Америка қитъалари фотоижодкорларидан тўрт юздан ортиқ ижодий ишлар танлаб олинди. Ўзига хос фотосанъати байрамига айланадиган ушбу тадбир доирасида бир ҳафта мобайнида Тошкент ва Бухоро шаҳарларидаги галереяларда фотокўргазмалар, «Шарқ ва Ғарб. Тошкент чорраҳасида» мавзуидаги иккинчи халқаро долзарб фото ва видео санъати фестивали ижодий анжуманлар, мулоқотлар, концертлар, давра суҳбатлари, маҳорат сабоқлари уюштирилади. Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройи, Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвон саройи, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси, Ўзбекистон Давлат санъат музейи, Ўзбекистон маданият ва санъат кўргазмаси залида ёшлар, табиатни асраб-авайлаш, миллий анъана ва қадриятлар каби ранг-баранг мавзуларда фото кўргазмалар бўлиб ўтади.

— Ўзбекистон — мафтункор диёр, — дейди япониялик санъатшунос Казуо Уно. — Юртингизга ҳар гал келганимда, катта ўзгаришларнинг гувоҳи бўламан. Бу заминга қадам қўйган ҳар бир инсон ана шу гўзалликдан бахраманд бўлиш, олган таассуротларини муҳрлаш учун ўзи билан албатта фотокамера олиб келади. Тошкент халқаро фотобиенналеси жаҳон кўргазмалари орасида ўзига хос нуфуз ва мавқега эга тадбирдир.

Моҳир суратқаш Лиса Хорват — канадалик.

— Тошкентнинг чиройи, орасталиги мени мафтун этди, — дейди Л.Хорват. — Айниқса, Мустақиллик майдони, мовий осмон, бахтиёр ҳамюртларингиз ҳар қандай киши эътиборини ўзига тортади. «TashkentALE-2008» биз, канадалик фотоижодкорларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Кўтаринки руҳда бошланган халқаро фотобиенналеси соҳада эришилаётган ютуқларни намойиш этиш ва бу борадаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Сайлов қонунчилигини ўрганамиз

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидан

5-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда ошкоралик

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш очиқ ва ошкора амалга оширилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этилаётганда ҳамда ўтказилаётганда фуқаролар йиғини ўтказиладиган кун, вақт ва жой тўғрисида фуқаролар хабардор этилади, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига кўрсатилган номзодлардан, овоз бериш якунларидан воқиф қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик жараёнини ҳамда сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб боради.

6-модда. Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари фуқаролар йиғини томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса фуқаролар вакиллари йиғилиши томонидан икки ярим йил муддатга сайланади.

7-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

Давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига кўмаклашишлари, зарур ҳолларда уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлашлари шарт.

УНИВЕРСИТЕТДАГИ УЧРАШУВ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинган кунга бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Тадбир Республика Байналмилал маданият маркази, Республика маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистондаги рус маданияти маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тадбирда Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари Н.Муҳаммадиев, Ўзбекистондаги рус маданияти маркази раиси С.Герасимова, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори А.Исмоилов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, ёшларни ўзлигимизга, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Бу борадаги ишлар мамлакатимизнинг давлат тили – ўзбек тилини асраб-авайлаш, янада ривожлантириш, унинг имкониятларидан кенг фойдаланишга қаратилган эзгу ишларда ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Ўзбек тили давлат тили мақомини олган 1989 йилдан буён унинг мавқеи юксалди. Бу борадаги хайрли ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Жумладан, Республика Байналмилал маданият маркази бир қатор олий ўқув юртлари, миллий маданият марказлари билан биргаликда ўзбек тилини ўрганишга йўналтирилган маърифий лойиҳалар, викториналар, илмий анжуманлар, давра суҳбатлари, махсус ўқув курсларини ташкил этмоқда.

Тошкент вилояти

Янгийўл туманидаги Ниёзбош қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 550 ўринли 23-ўрта таълим мактабининг янги қурилган замонавий биноси тантанали равишда фойдаланишга топширилди. Ушбу мактаб ҳудуддаги тўлиқсиз ўрта таълим маскани ҳисобланади.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Наманган вилояти

МАҲАЛЛАДА ЯНГИ ИШ ЎРНИ

Косонсой туманидаги Боғишамол маҳалласида тадбиркорлар ҳудуд ободончилиги ва бандлик муаммосини ҳал этиш борасида бир қатор хайрли ишларни амалга оширмоқдалар.

Хусусан, ишбилармон Муродхон Абдуллаев ўзи истиқомат қилаётган маҳаллада икки қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш марказини барпо этди. Айни пайтда бу ерда 12 нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда.

Шу маҳаллалик Дилшод Абдурашидов гул савдосига мўлжалланган дўкон очди. «Чашмаи Сафед» қишлоқ хўжалик корхонаси раҳбари Ҳ.Мўйдинхўжаев қурдирган мажмуанинг маросимлар залида тўю тантаналар ўтказилаётган бўлса, у ердаги спорт майдони, чўмилиш ҳавзаси ёшлар билан доимо гавжум. Мазкур мажмуанинг ишга туширилиши муносабати билан 260 нафар маҳалла ёшлари муқим иш ўрнига эга бўлишди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туманда хусусий тадбиркорлар томонидан 2000 дан ортиқ ишчи ўринлари яратилди.

М.ЮНУСОВ

Маслаҳатчи иш тажрибасидан

Сурхондарё вилояти

БУНЁДКОРЛИК ҚАЛБГА ҒУРУР БЕРАДИ

Маҳалламиз Узун туманининг марказида жойлашган. Ҳудудида 8 та кўча, умумтаълим мактаби, мактабгача таълим муассасаси мавжуд. Бундан ташқари, ўнлаб ташкилотлар, қирққа яқин савдо дўконлари, тикувчилик цехлари ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият кўрсатади.

Бугунги кунда фаолиятимизнинг асосий йўналишларини оилаларнинг тинч-тотувлигини сақлаш, йигит-қизларни турмушга тайёрлаш, жиноятчилик, гиёҳвандликнинг олдини олиш ва тўй-маъракаларни ихчам ўтказиш борасидаги кенг кўламли ишлар ташкил этади. Жамоатчилик ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан ҳамкорликда олиб бораётган фаолиятимиз ўз самарасини беряпти. Жумладан, маҳалламиз ҳудудида никоҳдан ажралиш ҳолатлари камайди. Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олди олинди.

Таъкидлаш жоизки, кейинги пайтларда ҳудудимизда эҳтиёжманд фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Ночор ва ёрдамга муҳтож оилалар, ёлғиз ва касалманд фуқаролар ҳолидан мунтазам равишда хабар олиб турамиз. Уларга ҳомийларимиз томонидан тез-тез совғалар улашиб туриш анъанага айланган. Қолаверса, «Ёшлар йили» Давлат дастурига мувофиқ ёшларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш, уларга иш ўринлари яратиб бериш, бўш вақтларини кўнгилли ўтказиш мақсадида турли тадбирлар, давра суҳбатлари, мулоқотлар, меҳнат фахрийлари билан учрашувлар, турли спорт мусобақалари уюштириб турилади. Ўнлаб тикувчилик цехлари, устахоналарда ёш йигит-қизлар фаолият олиб бормоқда. Янги ташкил этилган ҳунармандчилик, зардўзлик, каштачилик марказларида йигирма нафарга яқин ёш ишга жалб этилган.

Бугун юртимизда юз бераётган ўзгаришлар, бунёдкорлик, ободончилик ишларини кўриб кўнгилларда фахр туйғуси жўш уради. Бу каби хайрли ишларни маҳалламиз ҳаёти мисолида ҳам кўриб фахрланамиз. Тадбиркор ва ишбилармонларимиз ташаббуси билан ҳудудимизда кўплаб замонавий иншоотлар қад ростламоқда. Хусусан, мустақиллигимизнинг 17 йиллик байрами арафасида бир нечта маиший хизмат кўрсатишга мўлжалланган бино фойдаланишга топширилди. Кўча ва боғларимиз обод, кўркам бўлиб боряпти. Бунда саховатпеша ҳомийларимиз ҳамда маҳалламизнинг фаол аёллари Тозагул Маманазарова, Инобат Қурбонова, Турсунбиби Ёқубова, Гулнора Чориева, Сангиной Икромова, Сайёра Норматоваларнинг хизмати катта.

Ҳафиза НОСИРОВА,
Узун туманидаги Н.Рамазонов номидаги маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.

«ЭКОСАН» ТУҲФАСИ – ОЛИС ОВУЛЛАРГА

«Экосан» халқаро ташкилоти томонидан Қорақалпоғистон Республикасига навбатдаги саломатлик поезди жўнатилди.

Мазкур поездда сув чиқарувчи қўл насослари, дори-дармон воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда иссиқ кийим-кечаклар жамланган бўлиб, Қорақалпоғистоннинг чекка ҳудудлари ва олис овулларида истиқомат қилувчи кам таъминланган ва ёш оилалар, уларнинг фарзандлари, боқувчисини йўқотган инсонлар ва ногиронлар, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламига тарқатилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Қорақалпоғистон Республикасига бешинчи маротаба саломатлик поезди юборилмоқда.

«Экосан» халқаро ташкилоти мазкур минтақа аҳолисига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш билан бирга талаба-ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларни атроф-муҳит муҳофазасига кенгроқ жалб қилишни ҳам режалаштирган.

МУХБИРИМИЗ

Жамоатчилик назорати

Андижон вилояти

Маълумки, мустақил ҳаётга энди қадам қўйган ёш оилаларнинг тинч-тотув турмуш кечириши, халқона таъбир билан айтганда, икки ёшнинг қўша қариши учун ибратли оилалар намуна вазифасини ўтайди.

Юртимиздаги ҳар бир маҳаллада узоқ йиллар умргузаронлик қилган, муносиб фарзандлар тарбиялаб эл қаторига қўшган ўнлаб ибратли оилалар бор.

Андижон шаҳридаги Маданият маҳалласида яшовчи Шамсуддиновлар оиласи ҳам ибратли оилалардан бири ҳисобланади. Бу оилада тарбияланиб вояга етган фарзандлар бугун эл-юрт хизматида. Эндиликда оилада учинчи авлод вакиллари — неваралар камолга етмоқда.

СУРАТДА: *Шамсуддиновлар оиласи.*

Тўрахон ГОФУРОВ олган сурат.

Наманган вилояти

БИРГАЛИКДАГИ ҲАРАКАТ БЕСАМАР КЕТМАЙДИ

Фуқаролар йиғини қошидаги «Нуроний» жамоатчилик марказининг Яраштириш комиссияси билан ҳамкорлиги ижобий самара бермоқда

...Нима ҳам бўлди-ю, Маъмуржон коллежга бормай, бекорчиликдан кўча-кўйда бемақсад кезишни ўзига одат қилиб олди. Унинг ўзгариб қолгани маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги «Нуроний» жамоатчилик маркази фаоллари эътиборидан четда қолмади, албатта. Ўсмирнинг ўртоқлари ва кўни-қўшнилардан сўраб-суриштиришлар марказ фаолларининг ташвишланиши бежиз эмаслигини кўрсатди. Маъмуржон кейинги пайтларда ҳатто ота-онасининг гапларига ҳам қулоқ осмай қўйган экан.

Жамоатчилик маркази раиси Эргаш ота Қурбонов гаплашиб олиш мақсадида уни ҳузурига чақиртирди. Эргаш ота Маъмуржонни илиқ кутиб олди, дўстларининг ким экани, ўқишлари қандай кетаётгани билан қизикди. Йигитча эса бошини хам қилиб, саволларга зўрға жавоб бераради.

— Сенга нима бўлди, ўғлим? Кейинги пайтларда дарсларга қатнашмай қўйибсан. Отанг маҳалламизнинг баобрў одамларидан, ҳаммамиз ҳурмат қиламиз. Бу қилмишинг билан унинг шаънига доғ тушириб қўйишингни ўйлаб кўрмадингми? — деди Эргаш ота. — Бундай ишлар сенга ярашмайди. Ахир сиз ёшлардан умидимиз катта, шуни ёддан чиқармасликларинг лозим.

Отахоннинг панд-насиҳатлари йигитчага таъсир қилди, у ўқишга мунтазам қатнашадиган, бўш вақтларида ота-онасига кўмаклашадиган бўлди. Жамоатчилик маркази Маъмуржоннинг хатти-ҳаракатларидан бохабар бўлиб туришни фахрийлардан бири Алибой Саидовга топширди. Чунки бундай вазиятларда ёшлар тарбиясига асло бефарқ қараб бўлмайди. Салгина эътиборсизлик ёки лоқайдлик уларнинг катта ҳаёт остонасидаёқ қоқилишларига сабаб бўлиши мумкин...

Бу Наманган туманидаги И.Раҳматов номидаги қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Хўжақишлоқ маҳалласи фуқаролар йиғини қошидаги «Нуроний» жамоатчилик маркази фаолиятидан бир мисол. Маҳаллада истиқомат қилаётган 2736 нафар аҳолининг 214 нафарини кўпни кўрган, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган отахону онахонлар ташкил этади. Қувонарлиси, уларнинг 70 фоизи «Нуроний» жамоатчилик марказининг аъзоси. Марказ ишининг тўғри йўлга қўйилгани маҳалла ҳаётида фахрийларнинг фаоллигини ошириш учун хизмат қилмоқда. Кексаларнинг сезгирлиги, ҳар ишга мулоҳаза билан ёндашиши туфайли юзага келиши мумкин бўлган турли кўнгилсиз вазиятларнинг олди олиниб, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик сингари салбий ҳолатларга барҳам бериляпти.

Шунингдек, маҳаллада тўй, маърака ва маросимларни камхарж, тартибли ўтказиш, оилавий можароларни ўз вақтида ҳал этиш, ёшлар тарбияси, қўни-қўшничилик муносабатларини яхшилаш, ободончилик ишлари ва ҳашарларни ташкил этишда ҳам марказ фаолларининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

— Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида ташкил этилган «Нуроний» жамоатчилик марказининг аҳоли ўртасида обрў-эътибори жуда баланд, — дейди И.Раҳматов номидаги қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ҳакимжон Хўжаев. — Чунки кексаларни ҳурмат қилиш, ҳар ишда уларнинг ўгитига, маслаҳатига амал қилиш халқимизга хос одатлардан бири. Айни пайтда ҳудудимизда 546 нафар пиру бадавлат кексалар истиқомат қилмоқда. Уларни уюштириб, фаолиятларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилаётганимиз эса кутилган натижани бермоқда.

Кичик қурама маҳалласидаги оилалардан бирида арзимас нарсадан чиққан жанжал туфайли эр-хотин ажрашишга қарор қилди. Тўрт нафар норасиданинг тақдиридан хавотирга тушганлар уларни муросага келтирмоқчи бўлишди, бироқ ҳаракатлари зое кетаверди. Маҳалла қошидаги Яраштириш комиссияси ҳамда «Нуроний» жамоатчилик маркази фаоллари оиладаги вазиятни атрофлича ўрганиб чиқишди. Биргаликда қилинган ҳаракат бесамар кетмади — можаро ҳал этилиб, оила сақлаб қолинди.

Хўжақишлоқ ва Маллаҳовуз маҳаллалари жамоатчилик маркази фаолларининг саъй-ҳаракатлари билан ака-ука ва сингил ўртасида уй-жой масаласида чиққан келишмовчилик ҳам ижобий ҳал этилди. Шунингдек, улар кўча кўркини бузиб, атроф-муҳитни ифлослантираётган чиқиндиларни йўқотишда ҳам фаоллик кўрсатдилар.

Жойлардаги «Нуроний» жамоатчилик марказлари фаолияти ҳар жабҳада, айниқса, маҳалла ишида кексаларнинг иштирокини таъминлаш самарали бўлишини кўрсатмоқда. Чунки, бу ишда уларнинг бой ҳаётий тажрибага эга эканлиги жуда қўл келади.

Ҳавохон ИКРОМОВА,
«Маҳалла» жамғармаси Наманган тумани бўлинмаси раиси.

Ташаббус

Жиззах вилояти

ЭКОЛОГИК ХАРИТА

«Маҳалла» жамғармасининг Жиззах шаҳар бўлинмаси ҳамда вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан шаҳарда экологик мувозанатни сақлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳудуддаги корхона ҳамда транспорт воситаларидан шаҳар кўчалари ва ҳавога турли заҳарли чиқиндилар чиқаётгани, бу ҳолат эса маҳаллалардаги экологик вазиятга салбий таъсир кўрсатаётгани ҳақида аниқ маълумотлар жамланди.

Маълумотлар асосида махсус харита тузилиб, шаҳар ҳудудларининг ифлосланиш даражаси қайд этилди. Шунингдек, шаҳарни кўкаламзорлаштириш мақсадида тузилган ушбу харитага маиший чиқиндиларни тўплаш ва белгиланган жойларга олиб чиқиб кетиш йўллари, ўсимликлар дунёсини назорат қилиш шартлари, қайси маҳаллалар ҳудудида дарахт ва гул кўчатларини кўпроқ ўтқазиш лозимлиги ҳам киритилган.

Шаҳар ҳудудида жойлашган Маданият маҳалласида худди шу масалани муҳокама этиш мақсадида уюштирилган кўргазмали семинар жиззахликларни экологик софликни сақлашга яна бир бор даъват этди.

— Шаҳримиздаги мавжуд 33 та маҳаллада атроф-муҳит мусаффолигини, экологик барқарорликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда, — дейди «Маҳалла» жамғармасининг шаҳар бўлинмаси раиси Меҳри Умарова. — Натижалардан маълум бўляптики, шаҳар экологияси талабларига жавоб бермайдиган ҳолатлар кескин камайди. Табиатга заҳарли газларнинг чиқишига йўл қўйиб бергани учун 164 нафар жисмоний ва юридик шахслардан 5 миллион 225,8 минг сўм миқдорида жарима ундирилди.

Ҳа, Жиззах шаҳрини кўкаламзорлаштириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ибратга лойиқ. Жумладан, Ёшлар йили муносабати билан шаҳар ҳудудида «Ўрда ёшлар экологик боғи» барпо этилди. Айни пайтда 26 гектар майдонда жойлашган ушбу боғ ҳудудида 10 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари парваришланмоқда.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Қишга тайёргарлик — долзарб масала

Президентимизнинг шу йил 29 майда қабул қилинган "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2008-2009 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори юзасидан Самарқанд вилоятида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, «Жомбой-3» газ тақсимлаш станциясидан бошланган 7,4 километрлик газ тармоғининг қурилиши билан Оқдарё, Пайариқ туманлари ва Самарқанд шаҳридаги 4300 дан зиёд аҳоли хонадонининг табиий газ таъминоти яхшиланди. Оқдарё туманидаги бир қатор газ тақсимлаш қурилмаларининг юқори босимлиларга алмаштирилиши эса 1400 дан ортиқ хонадонга газнинг бир маромда етиб боришини таъминлади.

— Куз-қиш мавсумида аҳоли ва корхона, ташкилотларга узлуксиз равишда табиий газ етказиб бериш мақсадида 39,7 километр газ қувурлари реконструкция қилинди, — дейди «Марказгазтаъминот» унитар корхонаси директори ўринбосари Файзиддин Холжигитов. — 50 километрлик газ тармоғида капитал ва жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 13 мингдан зиёд газ тақсимлаш қурилмалари текширилиб, 109 таси таъмирланди. Айни пайтда қурилиш ишлари ниҳоясига етаётган «Ҳамза» ва «Намуна» газ тақсимлаш станцияларининг ишга тушиши билан Нарпай ҳамда Пастдарғом туманларидаги 14 мингдан зиёд хонадонда "зангори олов" таъминоти яхшиланади. Қиш мавсумида газ босими пасайиш эҳтимоли бўлган ҳудудларда аҳолига баллонли газ етказиб бериш чоралари кўрилди. Бунинг учун етарли миқдорда суюлтирилган газ захираси яратилди. Корхона ходимлари ва мутахассислардан иборат гуруҳлар аҳоли турар жойлари ва ташкилотларнинг мавсумга тайёргарлигини ўрганиб, зарур кўрсатма ва тавсиялар бермоқда.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

Хоразм вилояти

ҲУНАРЛИГА ИШ БИСЁР

Янгибозор туманидаги Ширинқўғирот маҳалласида истиқомат қилувчи иккинчи гуруҳ ногирони Райҳон Раҳимбоева Ўзбекистон Ногиронлар жамияти Хоразм вилояти бўлими қошида ташкил қилинган компьютер бўйича ўқув курсини тугатиб, вилоят Ногиронлар жамиятининг компьютер оператори лавозимига ишга қабул қилинди.

— Ҳунарли ёшлар доим эътиборимизда, — дейди «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Р.Қутлумуродов. — Яқинда жисмоний имкониятлари чекланган ёшларимизнинг 120 нафари жамиятнинг мазкур ўқув курсида тахсил олиб, эгаллаган ҳунари бўйича ўзлари яшайдиган ҳудудда фаолият кўрсатаётган кичик корхоналарга, коммунал тўловлар тўланадиган ҳисоб-китоб шохобчаларига ишга жойлаштирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, туманда бундай ёшларнинг жамиятда муносиб ўрнини топиб, касб-корли бўлишлари учун етарли имкониятлар яратилган.

Абдулла САФОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

25 октябрь — Ички ишлар идоралари ходимлари куни

Самарқанд вилояти

ОЛОВДА ТОБЛАНГАН ЖАСОРАТ

...Ярим тунда кўкка ўрлаган олов бутун маҳаллани оёққа турғазди. Кўча одамларга тўлган, ёнғин эса қўшни хонадонларга ҳам хавф сола бошлаган эди. Хайриятки, ёнғин ўчириш автомашиналари ўз вақтида етиб келди. Ёнғин ўчирувчилар зудлик билан ишга киришиб кетишди. Шовқин-сурон ичида фарзанди ва кекса отаси ёнғин ичида қолиб кетганини айтиб бўзлаётган аёлнинг овози олов билан олишаётган ходимлардан бирини сергаклантирди. У ўйлаб ўтирмай ўзини ичкарига отди. Тутундан бўғилиб, қўрқувдан даг-даг титраётган болакай билан отахон қутқарилди...

Бу Самарқанд шаҳар Ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми 9-ҲЁХҚ экипаж командири, кичик сержант Баҳодир Шариповнинг фаолиятидан бир лавҳа, холос. Чунки ёнғин ўчирувчилар ҳаётида бундай ҳодисалар кунда бўлмаса ҳам тез-тез содир бўлиб туради. 2008 йилнинг 7 февралида Баҳодир ана шундай ҳодисаларнинг яна бирига гувоҳ бўлди. Шу куни Самарқанд шаҳрининг Панжикент кўчасидаги Хўжақуловлар хонадонида электр симларининг қисқа туташуви оқибатида ёнғин чиқди. Тилсиз ёвни жиловлаш пайтида Баҳодир хонадон эгаси Файзиқулнинг ҳаётини сақлаб қолди. Олов домида қолган инсонга ўзининг муҳофаза ёпинчиғини ёпинтириб, ташқарига олиб чиқди. Кейинчалик ундан «Муҳофаза кийимингизни бировга бериб, ҳаётингизни хавф остига қўйишга қўркмадингизми? Ахир сал бўлмаса ўзингиз ёниб кетардингиз-ку!» деб сўрашди. Ўшанда Баҳодир «Буни тушуниш учун одам ўзини ёнғин ўчирувчисининг ўрнига қўйиб кўриши керак. Чунки, бизнинг биринчи галдаги вазифамиз инсонларни қутқариш», деб жавоб берган эди.

Баҳодир Шарипов Самарқанд туманидаги Даштаки боло Қумзор маҳалласида туғилиб ўсди. Муддатли ҳарбий хизматдан қайтгач, иш фаолиятини Сиёб туманини ёнғиндан муҳофаза этувчи 3-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмида бошлади. Машаққатли, аммо шарафли касб сирларини кўп йиллар шу соҳада ишлаб, тажриба орттирган устозларидан ўрганди. Ҳамкасбларининг айтишича, Баҳодир қисқа фурсатда ўзининг довюраклиги ва шижоати, ишига фидойилиги билан жамоадошлари ўртасида ҳурмат, эътибор қозонди. Эришган муваффақиятлари ва жонбозлиги рахбарият томонидан эътироф этилиб, бир неча бор рағбатлантирилди. Катта ёнғин ўчирувчи вазифасига ўтказилгач, унинг ўзи ҳам шогирдлар тайёрлай бошлади. Ёнғин ўчирувчилик касбини танлаган йигитларга оловни қандай бартараф қилиш, унинг исканжасида қолган инсонларни қай тартибда қутқариш йўлларини ўргата бошлади.

Юртимиз мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига кўра Баҳодир Шарипов ҳам кўплаб юртдошларимиз қатори «Жасорат» медали билан тақдирланди. Ўз ишининг фидойиси, мард ва жасур ҳамкасбимизнинг бундай юксак мукофотга лойиқ кўрилиши барчамизнинг қалбимизни фахрифтихорга тўлдирди.

Аслиддин ЭРГАШЕВ,
Самарқанд вилояти ИИБ ЁХБ катта муҳандиси, катта лейтенант.

ИНДОНЕЗИЯ:

ТАБИИЙ ОФАТ ТАЛОФАТИ

Индонезиянинг Ачех вилоятида истиқомат қилувчи юзлаб одамлар сув тошқини туфайли ўз уйларини тарк этишга мажбур бўлдилар.

Полиция маҳкамаси томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, ҳозирга қадар табиий офат рўй берган ҳудудлардан 250 та оила эвакуация қилинган. Қарийб 10 мингдан ортиқ турар-жой биноларига зарар етиб, вайронага айланган.

Мазкур ҳудудда ўтган шанбадан буён тинимсиз равишда ёмғир ёғмоқда. РАТА-ТАСС ахборот агентлигининг хабар беришича, мамлакат ҳукумати табиий офат кўламининг кенгайишидан хавотирда. Расмий маълумотларга кўра, сув тошқини оқибатида ҳеч ким ҳалок бўлмаган.

ҚАРОҚЧИЛАРНИНГ МУДДАОСИ НИМА?

Сомалилик денгиз қароқчилари томонидан гаровга олинган Украинанинг «Фаина» кемаси денгизчиларининг аҳволи ва саломатлиги яхши. АҚШ ҳарбий денгиз флоти расмий вакили лейтенант Натан Кристенсен ана шундай баёнот берди.

Унинг айтишича, қароқчилар кемани Американинг патруль кемасидан кўринадиган масофага келтириб, кема сахнида экипажи аъзоларини қатор қилиб қўйишган.

Эслатиб ўтамиз, сомалилик денгиз қароқчилари «Фаина»ни 25 сентябрь куни гаровга олишган эди. Кема бортидагиларнинг уч нафари россиялик, 17 нафари украиналик ва биттаси латвиялик. Кема гаровга олинганидан уч кундан сўнг кема капитани Владимир Колобков қон босими кўтарилиши оқибатида ҳаётдан кўз юмди. Кема ва унинг экипажини озод қилиш учун қароқчилар 8 миллион АҚШ доллари миқдорида товон пули сўрашмоқда.

Маълумотларга кўра, «Фаина»га 33 та Т-72 русумли танк, гранатомет ва бронитехниканинг эҳтиёт қисмлари юкланган.



Айни пайтга қадар расман мазкур юкни Кения давлати қабул қилиб олади, дея ҳисобланаётган эди. Бироқ баъзи манбаларда таъкидланишича, Украина ҳукумати ҳарбий техникани Кения воситачилигида Суданга жўнатишни режалаштирган экан.

Хозирда «Фаина» АҚШ ҲДФ кемалари билан қуршаб олинган. Бундан ташқари, Россия ҲДФнинг «Неустрашимый» кемаси ҳам бу ҳудудга яқинлашиб қолган.

ФИНЛЯНДИЯ:

ТЕРГОВ БОШЛАНДИ

Associated Press агентлигининг хабар беришича, Хельсинки шаҳри полициячилари Туркия давлатининг Финляндиядаги элчихонаси биносида содир бўлган ёнғин сабаблари юзасидан тергов жараёнларини бошлаган.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари берган маълумотларга кўра, элчихона эшигига ўт қўйилган ва ёнғин қисқа фурсатда бинога тарқалган. Бу воқеа элчихона олдида бўлиб ўтган намойишдан бир неча соат кейин юз берган.

Ўз вақтида етиб келган ўт ўчирувчилар ёнғинни тезда бартараф этишди. Шунга қарамай, олов бинонинг ички қисмига ҳам ўтиб улгурди. Элчихона ходимлари зарар кўрмадилар.

Элчихона олдидаги митинг курд намойишчилари томонидан уюштирилган эди. Полициячилар ёнғин содир этилишига алоқадорликда шубҳа қилинган тўрт нафар шахсни ҳибсга олди.

АФҒОНИСТОН:

ҲАРБИЙ САМОЛЁТ ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

Афғонистоннинг Баграм шаҳридаги ҳарбий ҳаво кучлари базасида АҚШнинг P-3 Orion русумли қирғоқ патрули самолёти ҳалокатга учради. Самолёт бортидагиларнинг ҳаммаси тирик, фақат бир нафар экипаж аъзосигина енгил жароҳатланган, дея хабар тарқатди Reuters ахборот агентлиги.

Маълумотларга кўра, P-3 Orion қўниш йўлагидан чиқиб кетиши оқибатида унга жиддий зарар етиб, ёнғин чиққан.

P-3 Orion самолётлари 1962 йилдан АҚШ ҳарбий кучлари техникалари каторидан жой олган. Шунингдек, дунёнинг яна 17 та давлатида ана шу русумдаги самолётлардан фойдаланилади.

Ёшлар камолоти йўлида

Бухоро вилояти

Вобкент туманидаги Вобкент маҳалласи фуқаролар йиғинида спортни оммалаштириш ва ривожлантириш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

СПОРТСЕВАРЛАР МАҲАЛЛАСИ

Бунинг натижаси ўлароқ, маҳалла ёшлари ва фуқаролари «Футболимиз келажаги», «Маҳалламиз паҳлавонлари», «Соғлом оила» сингари спорт мусобақалари ва турнирларда фаол иштирок этиб, юқори кўрсаткичларни қўлга киритмоқдалар. Жумладан, маҳалла ёшлари 2001-2002 йилларда «Футболимиз келажаги» турнирининг 13-14 ёшли ўсмирлар ўртасидаги финал босқичида иштирок этишди. 2003 йил Шукуровлар оиласи «Соғлом оила» спорт турнирининг республика босқичида 2-ўринни эгаллади.

Маҳаллада спортнинг 12 тури билан мунтазам шуғулланиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Маҳалладошлар орасида спортнинг футбол, таэквондо, миллий ва белбоғли кураш турлари билан шуғулланувчилар кўпчиликни ташкил қилади. Маҳалла ёшларидан иборат «Вобкент» футбол жамоаси ўтган йили мамлакат чемпионатининг олий лигасида тўп суришга муваффақ бўлди.

Аҳолини, айниқса, ёшларни спортга кенг жалб этиш ва уларга шуғулланиш учун зарур шарт-шароит яратиб беришда маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бозорбой Рамазоновнинг ҳиссаси катта. Бу борада маҳалла раисининг ҳудуддаги туман марказий ўйингоҳи, Агроиқтисодиёт коллежи, 1-умумтаълим мактаби жамоаси ва тадбиркорлар билан ҳамкорликда иш олиб бораётгани яхши самара бераётир.

Ҳамроз АЛИ,
«Mahalla» мухбири.

Фарғона вилояти

Фахрийлар умр бўйи тўпланган билим ва тажрибаларини ёшларга ўргатишга, жамият ҳаётида фаол иштирок этишга ҳаракат қиладилар.

«Нуроний» жамғармасининг Фарғона вилояти бўлими раҳбари Усмонали Бегматов эса хайрли ишларда фахрийларга бош-қош. Кейинги йилларда вилоят фахрийлари вилоятнинг ҳар бир ҳудудида жами 350 гектар майдонда боғ-роғлар, экинзорлар барпо этишди.

СУРАТДА: *Усмонали Бегматов болажонлар даврасида.*

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

Ўгит ўрнида

Бу воқеа тафсилотларини мен маҳаллаларнинг бирида бўлиб ўтган йиғинда эшитган эдим. Даврадагиларнинг бири ўтган асрнинг 50-йилларида оламдан ўтиб кетган Мурод бувани эслаб, унинг тақдиридан қизиқ бир ҳикояни айтиб қолди.

МУҲАББАТ ҚАЛБГА МЕҲМОН...МИ?

ёхуд муҳаббат масъулиятини англаш хусусида

— Маҳалламизда ўзига тўқ бир оила яшарди. Хонадон эгаси Мардонқул ака қизи Роҳатойнинг камбағал йигит Мурод билан бир-бирига кўнгил қўйиб юрганини билса ҳам ёшларнинг хоҳишига ҳеч рўйхушлик билдирмади. Йигитдан келган совчилар дарвоза олдидан қайтаверди. Муродига етолмаган йигит ахийри тақдирга тан берди. Қиз эса ҳар қанча қаршилик кўрсатмасин, барибир отасининг хоҳиш-иродаси билан бошқага турмушга чиқди. Орадан йиллар ўтди. Йигит ҳам бошқасига уйланди. Лекин иккисининг армонлари ҳамон ўтли, ҳамон бир-бирларига юракдан интилиб яшашарди. Турмушга чиққанига ўн йил тўлар-тўлмас Роҳатой оғир дардга чалинди. Ота-онаси қилмаган чора, қаратмаган шифокор қолмади. Оғирлашиб қолган аёл жон талвасасида қийналар, кимгадир интиқлиги, ўшани кутаётганлиги аён эди. Лекин ҳеч кимнинг хаёлига унинг ёшлигида кўнгил берган йигити Муроджон келмади. Бир йил аввал тилдан қолган Роҳатой умрининг сўнгги кунида бирдан тилга кириб, онасига «Муроджон акамни бир кўриб ўлсам, армоним йўқ эди», деди. Дарҳол Муроджонни чақириб келишди. Аёл унинг юзларига тўйиб-тўйиб термулди-да, жон берди...

Бу воқеани эшитиб, беихтиёр кўзим ёшга тўлди. Даврадагилардан бири «Шунақаям муҳаббат бўларканми», деб беписанд кулса, яна бири «Юрагидан тоза урган экан-да», деб қўшимча қилди. Руҳим оғирлашди. Анча пайтгача бу воқеа хаёлимдан кетмади. «Муҳаббат улуғ, муҳаббат буюк!» деган тушунча шууримга муҳрланиб қолди.

Яқинда бу воқеа хаёлимда яна жонланди. Бунга бошқа бир воқеа туртки бўлди. Тўйхонада биз билан ёнма-ён столда ўтирган ёшларнинг ичидан бир йигит ёнидаги қизга қараб: «Сизни севсам, майлими?» деб сўраб қолди. Беихтиёр уларни кузатдим: йигит савол беришдан чарчамайди, қиз кулишдан. Севишга рухсат сўраган йигит туппа-тузук кийинган, кўринишидан бирон жойда ўқийди. Қиз ҳам бамаънига ўхшаб кўринди. Ўртадаги савол эса менга жуда бемаъни туюлди. Бу ерда уларга муҳаббат ҳақида лоф уришим одобдан эмас, қолаверса ўрни ҳам эмас. Ўйлаб-ўйлаб мен шу муқаддас туйғу ҳақида ўз фикрларимни қоғозга туширдим. Албатта, бу менинг шахсий фикрларим, хулосаларим холос.

Менинг назаримда, муҳаббат шундай азиз меҳмонки, ҳамманинг юрагига ҳам ташриф буюравермайди. У меҳмон бўлиб келганда сиздан рухсат ҳам сўрамайди, юрагингизнинг эшигини ҳам қоқмай кириб келади. Баъзилар яхши кўриб қолиш билан ёқтириб қолишни ҳам муҳаббатнинг ҳисобига ёзиб қўйишади. Яхши кўриб, бирдан ёмон кўриб ҳам қолишингиз мумкин, ёқтириб қолиб, ёқтирмай ҳам қолишингиз мумкин. Демак, бу муҳаббат эмас. Яхши кўриб қолишингиз чин юракдан бўлса, бу туйғу илдиз отган бўлсагина севгига айланади.

Уйингизга меҳмон келса, у меҳмонлигича қайтиб кетади. Юрагингизга муҳаббат меҳмон бўлиб келса, у қайтиб кетмайди, мезбонга айланади. Кўнгил эса шу мезбоннинг қулига айланади.

Баъзи ёшлар билан суҳбатлашганда муҳаббат ҳақида тушунчалари кўпроқ ҳис-ҳаяжон, эҳтиросларга тўликдай кўринади. Кўпчилик йигитлар «шу қизни севдим, қолгани қизиқтирмайди» деган фикрга ёпишиб олади. Севгининг кўзи кўр деганлари ҳам шундан бўлса керак.

Дўстларимнинг бири ёшлигимизда бир қизга кўнгил қўйди. Бирга катта бўлганимиз учун қизнинг қайсарлигини, ўзига анча бино қўйганлигини билардик. Йўлдан қайтара олмадик. «Лайли-Мажнун» бўлиб юрган бу дўстларимизнинг турмушлари аранг уч йилга етди.

Муҳаббат ҳақида фикр юритар эканман, бу буюк туйғунинг нақадар улуғ куч эканлигини, жозибасию азоблари кўз олдимга келтираман. Бу мавзуга қайси томондан ёндашмай барибир жумбоқдай туюлаверади. Лекин ҳозирги ёшларимиз ўртасида муҳаббат қандай аҳволда деган бироз ўнғайсизроқ савол мени кўп ўйлантиради. Муҳаббатнинг юзи очилиб қолгандай туюлади. «Сизни яхши кўраман, сизни севиб қолдим» деган самимий сўзларни айтиш бир пайтлар ошиққа катта масъулият, ҳаё юклаган бўлса, бугунги кунда бу сўзларни айтиш ёшларга унчалик қийин эмасдай. Бунинг сабаблари жуда кўп. Унга эртаю кеч радио, телевизорларда янграётган «яланғоч» қўшиқларимиз ҳам сабаб бўляпти, чамамда. Яқинда бир қўшиқни эшитиб, тўғриси қулоқларимга ишонмай қолдим. Қўшиқчи синглимиз «ўтган-кетганларга қошимни қоқаман» деб етти қаддингизни ерга букиб қўйса, «лабингга лабимни боссам» деб куйлаган пайтда оила аъзоларингиз билан ўтирган бўлсангиз, бундан азоби йўқ. Бундай енгил-елпи қўшиқлар нафақат муҳаббатнинг, балки йигит-қизларимизнинг ҳам юзини очиб қўймаяптимикан?!

Муҳаббат икки кўнгилнинг бир-бирини тушуниши, бир-бирининг қадрига етиши, ёмонини яшириб, яхшисини ошириши демакдир. Бу ҳаётнинг фақат кулгулари, фақат шодликлари эмас, балки азоблари, ташвишу аламлари, ўзига хос синовлари бор. Шу синовлардан чин севги соҳибларигина ўта олади, яъни уларга муҳаббати йўл кўрсатади...

Ҳамид НОРҚУЛОВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Яқин кишиларингиз билан ўзаро тушунмовчилик туфайли аразлашиб қолишингиз эҳтимоли йўқ эмас. Бундай пайтда жаҳлни жиловлай билиш катта ютуқ.

СИГИР(22.04-20.05)

Шу кунларда қандай ишга қўл урманг, ҳаммасини уддалайсиз. Ҳужжатлар билан боғлиқ сарсонгарчиликлар ҳам нисбатан тез тугайди. Демак, фурсатни бой берманг.

ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)

Иш жойингизда одатдагидек ҳамманинг диққат-эътибор марказида бўлишга интилмаганингиз маъқул. Муҳим ишларни адо этишда дўстларингизга суянсангиз бўлади.

КИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)

Яхши режалар тузгансиз. Аммо бу режалар режалигича қолиб кетмаслиги учун амалий ишга киришишни кечиктириб, хато қиляпсиз. Вақтдан унумли фойдаланинг.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Санъатни тушунувчи ва қадрловчи кишилар билан ҳамсуҳбат бўлишингизга тўғри келса, кўпроқ сўзловчи эмас, тингловчи бўлишга ҳаракат қилинг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Ўта бандлигингизга қарамай, фарзандларингиз, оила аъзоларингизга эътибор кўрсатишга вақт топсангиз, бундан нафақат яқинларингиз балки ўзингиз ҳам хурсанд бўласиз.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Танқид эшитиш ҳеч кимга ёқмайди, албатта. Шундай бўлса-да, вазиятга одилона баҳо бериб, танқиддан тўғри хулоса чиқарсангиз зарар қилмайсиз.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Моддий манфаат кўришни истасангиз, бажаришни белгилаб қўйган барча юмушларга улгуришга ҳаракат қилинг. Янги таклифлар олишингиз ҳам мумкин.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Ҳамма нарсага фақат ўз кучим билан эришаман, деб ўйлаётган бўлсангиз хато қиласиз. Яқинларингиз, ҳамкасбларингиз кўмагидан воз кечманг, аксинча, ҳамкорликка интилинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Яқин кунлар давомида ҳар бир ишхона, уйрўзғорда учрайдиган одатий юмушлар билан банд бўласиз. Лекин бу вақтингиз мазмунсиз ўтади, дегани эмас.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Ақлий меҳнат кишига ҳузур бағишлайди. Аммо бу борада меъёрни билиш жуда муҳим. Табиат қўйнида кўпроқ бўлишга, дўстлар даврасида ҳордиқ чиқаришга интилинг.

БАЛИК (19.02-20.03)

Турли катта-кичик, арзон-қиммат харидлар, меҳмондорчилик ва тадбирлар... Ҳаммасига вақт ва тоқат топишга ҳаракат қилинг. Баҳонада жиддий юмушлардан бироз дам оласиз.

Эй сиз одамлар, эсиз одамлар...

Телефонга қўйилган «ТУЗОҚ»

Кейинги пайтларда уяли алоқа воситалари билан боғлиқ жиноятлар сони нисбатан ортиб бораётганини кузатиш мумкин. Энг ачинарлиси, бундай жиноятларга вояга етмаган ёшлар ҳам билиб-билмай қўл урмоқда ёхуд жабрланувчига айланмоқда.

2008 йил 18 июль куни Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани судининг очиқ суд мажлисида ана шундай жиноий ишлардан бири кўриб чиқилди. Қора курсида ўтирганлар — беш нафар вояга етмаган ўсмир — Собир Раҳимов туманидаги иқтисод йўналишига ихтисослашган лицейнинг 9-синф ўқувчилари Жамшид Мирсалиҳов, Лазиз Усмонов, Қобилбек Даминов, Азамат Махсудов ва Шайхонтоҳур туманидаги 42-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Ҳожиакбар Акрамов. Гарчи бу ёшлар ўз қилмишларининг жиноят эканини тўла-тўкис англаб етмаган бўлсалар-да, лекин қўл ураётган ишлари оқибати яхши бўлмаслигини билганлари аниқ.

Шу йилнинг 26 апрель куни бешовлон Ғафур Ғулом номидаги метро бекати ёнида жойлашган компьютерхонага кириб, турли-туман ўйинлар ўйнашди. Кейин кўчага чиқиб, бекорчиликдан гурунглашиб туришди. Гап қўл телефонлари мавзусига бориб тўхтади. Шунда Жамшиддан «ақлли» гап чиқиб қолди:

— Келинглар, бирон кимсадан қўнғироқ қилиб олиш учун қўл телефонини сўраймиз. Кейин оламизу, кўздан ғойиб бўламиз. У эса бизнинг ким эканимизни билмайди, топа олмайди ҳам. Телефонни сотиб, пулини «арра» қиламиз.

Жамшиднинг режаси қолганларга ҳам маъқул тушди. Шу тобда уларга иш хамирдан қил суғургандек осонгина бита қоладигандек туюлди. Улар осонроқ илинадиган «ўлжа» қидириб, атрофга аланглашди — Абдулла Қодирий номидаги боғ тарафдан келаётган Низомиддинни, тўғрироғи унинг қўлидаги телефон аппаратини кўриб, бир-бирларига маъноли бош ирғаб қўйишди. Жамшид зарур иш билан бировга қўнғироқ қилиб олиши кераклигини айтиб, Низомиддиндан телефонини бериб туришни илтимос қилди. Йигитчанинг киприк қоқмай айтган гаплари «рост»лигига шубҳа қилмаган Низомиддин «Нокиа-6070» русумли аппаратини узатди. Жамшид телефонни ола солиб, Қобилга отди. Низомиддин ақлу ҳушини ўнглаб олгунча телефони қўлмақўл бўлиб кетди. Кейин ҳар томонга қочаётган йигитчалардан бирининг ортидан қувди. Жонҳолатда цирк биноси томонга йўналган Ҳожиакбарни тутиб олди ва уни шу яқин атрофда хизмат вазифасини ўтаб юрган ички ишлар бўлими ходимларига топшириб, бўлган воқеани баён қилди. Дастлабки суриштирув чоғидаёқ Ҳожиакбар айбини тан олиб, шерикларига бирин-кетин қўнғироқ қилди ва цирк биноси олдига тезда етиб келишларини айтди...

Худди шунга ўхшаш жиноят Тошкент шаҳар Алоқа касб-ҳунар коллежининг 2-босқич талабалари Алибек Ражабов ва



Нурбек Ражабов, Тошкент шаҳар Гидрометеорология касб-ҳунар коллежи 3-босқич талабаси Насибилло Жўраевлар томонидан ҳам содир этилди. Бу «шоввозлар» ҳам ўзганинг мол-мулкини талон-тарож қилиш учун олдиндан жиноий тил бириктириб, пухта режа тузиб олишди ва 2008 йил 10 апрель куни тахминан соат 20 лар атрофида «ов»га чиқишди. Насибилло Абдулла Қодирий номидаги кўчадан ўтиб кетаётган Темур Ходжаевга гўёки туртиниб кетгандек бўлди.

— Кўзингга қараб юрсанг бўлмайдими? — деб дўқ урди жанжал чиқариш ниятида.

— Мен тўғри кетяпман, ўзинг кўзингга қараб юрсанг бўларди, — деди Темур ҳам бўш келмай. Икки ўртада айтишув бошланди. Ишнинг фойдаларига ҳал бўлаётганидан руҳланган Алибек жанжалга қўшилди — Темурнинг кийимидан тортиб, ерга йиқитди. Икковлашиб Темурнинг қўлини орқасига қайиришди. Нурбек ҳам ҳаялламай шерикларига ёрдамга келди. Уруш-жанжал орасида Темурнинг ёнидаги «Нокиа 6230» русумли телефон аппарати ерга тушиб кетди. Насибилло шуни кутиб тургандек, вақтни бой бермай аппаратни олди-ю, шерикларига «Қочдик» дея бақирди. Учовлон бир ҳафтадан сўнг Янгиобод бозорида телефон аппаратини 100 минг сўмга сотиб, пулини ўзаро бўлишиб ҳам олишди. Бунгача жабрланувчи ўзига нисбатан босқинчилик содир этилгани юзасидан ички ишлар идорасига ариза билан мурожаат этган, қидирув-суриштирув ишлари бошлаб юборилган эди. Жиноят қисқа вақт оралиғида фош этилиб, айбдорларга қилмишларига яраша жазо тайинланди.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятларга кўпроқ уларнинг ҳуқуқий билимлари етишмаслиги, оилада, ўқув юртларида тарбиявий ишларнинг тўғри йўлга қўйилмагани сабаб бўлади. Ёшлар тарбиясида таълим муассасалари, маҳалла-кўй ва ота-оналарнинг ҳамкорлигини кучайтириш яхши самара бериши кундек равшан. Бу борада ота-оналарнинг зиммасидаги масъулият кучлироқ бўлиши керак. Чунки боланинг дарсдан бўш вақти, дўстларининг ким эканлиги ота-онанинг қатъий назорати остида бўлса, бекорчиликдан чиқадиган кўпгина кўнгилсизликларнинг олди олинади.

Олия ТОШМАТОВА,
Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суди судьяси.
Шаҳноза ЭРГАШЕВА,
«Mahalla» мухбири.

Санъат сеҳри

Хоразм вилояти

«МИНГ БИР КЕЧА» янги талқинда

Вилоят қўғирчоқ театри жамоаси «Минг бир кеча» номли қизиқарли спектаклни воҳа маҳаллалари бўйлаб намойиш этишга киришди. Бу мазкур театр тарихида хорижий ҳамкорлар билан биргаликда саҳналаштирилган илк спектаклдир.

— Икки йил муқаддам Хоразмга сайёҳ сифатида келган эдим, — дейди германиялик таниқли театр режиссёри Юрген Сахман. — Саёҳатим давомида вилоят қўғирчоқ театри фаолияти билан ҳам танишдим. Театр билан ҳамкорлик қилиш нияти ўша пайтда туғилган. Шарқ адабиётининг дурдона асарлари асосида спектакль саҳналаштиришни кўп йиллардан буён орзу қилиб юрардим. Уни амалга оширишда Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси катта ёрдам кўрсатди. Изланишларимиз самараси ўлароқ, «Минг бир кеча» янгича талқинда саҳналаштирилди. Воқеалар бош қаҳрамон Шаҳризоданинг тушлари кўринишида, сеҳрли чироқлар ёғдусида намоён бўлади.

Спектаклдаги бош ролларни Давронбек Исмоилов, Юсуфбой Юсупов, Гулбаҳор Юсупова сингари истеъдодли актёрлар ижро этишган. Саҳна асари маҳаллаларда муваффақиятли намойиш этилиб, кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлмоқда.

Абдулла САФОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Асамуддинов Нуриддин Зайнуриддиновичнинг «Чакана савдо фаолияти билан шуғулланадиган якка тартибдаги тадбиркорнинг даромадлар ва товар операцияларини ҳисобга олиш ДАФТАРИ» йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Азизов Зафар Абдурасулович номига Тошкент шаҳри Юнусобод тумани ҳокимлиги томонидан 2006 йил 1 ноябрда берилган 1003330 рақамли «Муҳр» йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Частное научно-производственное предприятие «GOMEOFARM» Юнусабад. р-на г. Ташкента ликвидируется (ИНН 203455827). Претензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня публикации. По адресу: ул. Муртазаева, д 21, кв 20. тел.: 704 86 99.

Утерянную круглую печать выданная ООО «UMID—TEX—SERVIS OPTIMA» Чиланзарского района г. Ташкента считать недействительной.

Mahalla

МУАССИС: Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар: 236-53-93, 236-55-69, 236-57-62, Факс: — 233-44-25

Таҳрир ҳайъати: Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда ҚОСИМОВА, (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32-уй

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 2 босма тобоқ.

Бахоси келишилган нархда

Навбатчи муҳаррир: Бектош Исмоилов

Мусаҳҳиҳ: Ҳамза Абдуллаев

Саҳифаловчи: Фаррух Расулов

11769 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-920 2 3 4 5 6

Топширилди — 23.45